2022 йил “20” январ

# ШАРТНОМА 727/1

**Каттақўрғон шахар**

Самарқанд вилоят Каттақўрғон шахар **“Икром Насруллаев” МЧЖ бундан буён матнда “ИЖРОЧИ” деб аталувчи номидан, Устав (Низом) асосида фаолият юритувчи рахбар И.Насруллаев** бир томондан, “Каттақўрғон Педагогика коллежи директор Р. Нуъмонов” бундан буён матнда “ИСТЕЪМОЛЧИ” деб аталувчи номидан, Устав (Низом) асосида фаолият юритувчи рахбар иккинчи томондан ушбу шартномани, қуйидаги мақсадларда туздилар,

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Мазкур шартномага биноан Ижрочи билан Истеъмолчи ўртасида маиший чиқиндиларини тукиш хамда чиқинди полигонидан фойдаланиш хизматлари бўйича тўғридан тўғри хўжалик ,билан алоқа ўрнатилади.

1.2. Истеъмолчи топширади, Ижрочи эса Истеъмолчи жойлашган худуд манзилида б чиқиб кетиш хизматларини бажаришни ўз зиммасига олади, хамда **“Йўналиш варақасига” ва буюртмачини аризасига** бажарган ишлари юзасидан белги қўйдиради.

## 2. КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ

2.1. Ушбу шартномани имзолаш пайтидаги **амалдаги нарх хар бир м3 МЧ учун 38 798 (ўттиз саккиз минг етти юз тўқсон саккиз ) сўм ККС билан 44 618** (қирқ тўрт минг олти юз ўн саккиз ) сум ни ташкил этади.

Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган чиқинди миқдори 44,82 м3, ойига ______ м3 ёки мо равишда ҚҚС билан йиллик кўзда тутилган чиқинди миқдори ______ (сумма сўз билан) сўмни, ойига ______ (сумма сўз билан) сўмни ташкил этади. 1999778,76 тийин

2.2. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларинин ўзгаргани тўғрисида Истеъмолчининг абонетлик пунктларида эълонлар осиш йўли билан, шунингдек оммавий аҳборот воситалари оркали Истеъмолчига маълум қилиш.

2.3. **Истеъмочилар маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун ойлик тўловни 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда 1 ой олдин амалга ошириши шарт.**

2.4. Юридик манзил, банк реквизитлари, корхона номлари ёки МЧ хажми ўзгарган тақдирда, томонларн 10 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириш керак.

2.5. Кўрсатилган хизматлар сифатини баҳолаш натижаларига кўра Истеъмолчи ва Ижрочи вакилла томонидан имзоланадиган, хизматлар кўрсатилмаганлигини, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматла кўрсатилганини тасдиқловчи факт бўйича далолотнома тузилади.

Хизматлар кўрсатилмаганлиги, тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилгани тўғрисид тузилган далолатнома маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тўловла миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек ўз мажбуриятларини бузгани сабабли Ижрочининг жарима тўлаши учун ҳисобланади.

Ижрочи томонидан Истеъмолчининг хаёти, саломатлиги ва мулкига зиён етказилган ҳолатларда етказилган зарар факти қайд этилган далолатнома тузилади, у Ижрочи ва Истеъмолчиларнинг вакилларі томонидан имзоланади.

Ижрочи вакили келмаган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилининг имзоси етарли бўлади.

Ижрочи вакили далолатномани имзолашдан бош тортса, мазкур далолатномага имзо қўйишдан бош тортганли сабабларини ёзма равишда асослаши шарт. Акс ҳолда, Истеъмолчи маиший чиқиндиларни олиб чиқи кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни суд қарори қабул қилингунгача тўхтатишга ҳақлидир.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ижрочи қуйидагиларга мажбур:

Белгиланган муддатларда маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишни амалга ошириш; Қонунчиликда ёк шартномада белгиланган муддатларда Истеъмолчининг буюртманомаларини бажариш;

Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимини татбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисобварақаларининг ҳолатини кузатиб бориш;

Маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Истеъмолчиларнинг мурожаатлари (аризалари, таклифлари, шикоятлари), шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;

Маиший чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Истеъмолчига бепул тақдим этиш;

3.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

Хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажариш;

МЧ ташланадиган контейнерларни қурилиш ва йирик хажмдаги чиқиндилар, шох-шаббалар била тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида шартнома тузиш ва хақ тўлаш;

Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурилмаларига автомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз ҳолда сақлашни таъминлаш;